2016 ЙИЛ 16 АВГУСТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (13.226)

Баҳоси эркин нархда



Фахр

Rio2016



Мамлакатимиз спортчилари Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтаётган ёзги Олимпиадада кетма-кет олтин нишонларни қўлга киритиб юртдошларимиз кўнгилларини ниҳоятда шод этмоқдалар.

ҲАСАНБОЙ – ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Хабар қилинганидек, 2016 йилнинг 14 август оқшомида миллионлаб юртдошларимиз, спорт ихлосмандларининг қалби қувончу шодликка тўлди. Шу куни Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида қатнашган ўзбек ўғлони Ҳасанбой Дўстматов олтин медалга сазовор бўлиб, дунёда тенгсиз эканини исботлади.

Ҳасанбой Дўстматов – истиқлол фарзанди! Бутун дунёга ўз салоҳиятини, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намоён этган мустақил юрт ўғлони! У бокс бўйича кўплаб халқаро турнирларда, қитъа ва жаҳон чемпионатларида қатнашган. 2013 йил Қозон шаҳрида ўтган Бутунжаҳон Универсиадасида ғолиб бўлган.

Тажрибали боксчимиз XXXI ёзги Олимпиадага жиддий ҳозирлик кўрди. Германия, Россия, Қозоғистонда ўтган халқаро турнирларда ғолибликни қўлга киритди. Узоқ йиллик тинимсиз меҳнат ўз мевасини берди.

Спортчимиз мексикалик Хоселито Веласкес, қозоғистонлик Биржан Жакипов, АҚШ вакили Нико Мигель Хернандесни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Олимпиада олтин медали учун кечган ҳал қилувчи баҳсда Ҳасанбой колумбиялик Юберхен Мартинесни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ғолиб спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Бу ғалаба онларини бутун халқимиз ўз ғалабасидек кутиб олди. Мадҳиямиз садолари янграганда кўкси тоғдек кўтарилиб, кўзларига қувонч ёшлари қалқди.

– Ватанимиз байроғини Олимпия ўйинларида сарбаланд кўтарганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Менинг ғалабам – бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир. Биз, ёшлар, озод ва обод юртда туғилиб вояга етганлигимиздан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан мусобақага чиқаётганимиздан доимо фахрланамиз, – дейди Ҳасанбой Дўстматов. – Президентимиз ёшларга қарата маррани доимо баланд олинг. Зеро, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди, деган сўзлари қалбимизга муҳрланган. Президентимизнинг ушбу даъватлари мени ҳам доимо янги-янги марралар сари чорлайди. Олимпия ўйинларидаги олтин медалимни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Ҳасанбой Дўстматовнинг бу олтин медали мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён Олимпия ўйинларида қўлга киритилган еттинчи олтин медалдир. Ёзги Олимпиаданинг илк олтин медали ҳам айнан бокс бўйича беллашувларда қўлга киритилган эди. 2000 йил Сиднейда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ғалаба қозониб, ўзбек бокс мактаби шуҳратини юксалтирган эди.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳам мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари ғалабали одимларини давом эттирмоқда. Айни пайтга келиб Олимпия ўйинларининг бокс мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритиб, иштирокчи давлатлар орасида пешқадамлик қилмоқда.

Олимпиаданинг бронза медалини вазни 91 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида ярим финалгача ўтказилган жангларда ғалаба қозонган Рустам Тўлаганов келтирди. Иқтидорли боксчимиз эквадорлик Хулио Цезар Кастилло ва озарбайжонлик Абдулқодир Абдуллаевни енгиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Олдинда мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари иштирокидаги қатор муҳим жанглар турибди. Жумладан, Мурод Аҳмадалиев, Фазлиддин Ғоипназаров, Бектемир Меликўзиев ва Баҳодир Жалолов ўз вазн тоифасида чорак финалда рингга кўтарилса, Шаҳрам Ғиёсов финал йўлланмаси учун, Шаҳобиддин Зоиров эса чорак финал йўлланмаси учун баҳслашади.

14 август куни юнон-рум кураши устаси Элмурод Тасмуродов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига Олимпия ўйинларининг яна бир бронза медалини келтирди. Юнон-рум кураши бўйича вазни 59 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида қатнашган икки карра жаҳон чемпионати совриндори, уч карра Осиё чемпиони Элмурод Тасмуродов саралаш баҳсларида сербиялик Кристан Фрис ва КХДР вакили Вон Чол Юнни, учинчи ўрин учун кечган беллашувида қирғизистонлик Арсен Эралиевни мағлуб этиб, бронза медалга сазовор бўлди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Жумладан, шоҳсупа тўридан жой олган боксчимиз Ҳасанбой Дўстматов сафига яна бир спортчимиз Руслан Нурудинов ҳам қўшилди. Зеро, кеча ушбу моҳир спортчимиз ғалабаси шарафига Ватанимиз мадҳияси яна бир бор янграб, байроғимиз ҳилпиради. Вазни 105 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида иштирок этган Р.Нурудинов штангани даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237 килограмм, иккикураш якуни бўйича эса 431 килограммлик натижа кўрсатиб, барча рақибларидан ўзиб кетди ва олтин нишонни қўлга киритгани ҳолда Олимпиада ғолиби бўлди.

Қувонарли томони шундаки, Русланнинг силтаб кўтариш баҳсларида кўрсатган натижаси Олимпиаданинг янги рекорди сифатида қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чарм қўлқоп усталаримизда ҳам терма жамоамиз жамғармасига яна битта олтин медални қўшиб қўйиш имконияти мавжуд.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари таъминланаётгани аҳолининг турмуш даражаси сифати муттасил ошишига замин яратаётир. Бу борадаги ислоҳотлар самаралари халқаро молия институтлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулкдорлар синфи жадал ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётир.

– 2016 йилнинг биринчи ярмида беш юз мингга яқин янги иш ўрни яратилган бўлса, унинг салмоқли қисми кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳамиджон Ҳабибиддинов. – Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилаётгани, уларнинг ҳуқуқий эркинлигини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат олиб борилаётгани бунга кенг йўл очди.

Фаолият юритаётган субъектлар борки, улар молиявий жиҳатдан солиқ тизими билан узвий боғлиқ. Солиқ ҳисоботи топшириш, солиқ тўлаш, текширишлар ўтказиш ва бошқа ҳолатларда қулайлик яратилиши улар эркин фаолият юритишининг муҳим омилидир. Бу жиҳатларга доимий эътибор қаратилиб, солиқ юки йилдан-йилга енгиллаштирилаётгани туфайли тадбиркорлик жадал ривожланмоқда.

Бу йўналишда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятларига ноқонуний аралашишга чек қўйиш бўйича чоралар мажмуи амалга оширилди.

Буни аниқ рақамларда кўриш мумкин: ҳозирги пайтда кўплаб мамлакатларда корхона ва муассасалар фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси ўртача 12,5-39,5 фоизни ташкил этаётган бир пайтда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1995-2016 йиллар мобайнида 38 фоиздан 7,5 фоизга туширилди.

Солиқ ставкасининг бундай сезиларли даражада пасайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш имконини бермоқда. Бу айланма маблағларни кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот ва хизматлар экспортини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш учун шароит яратаётир.

Солиқ соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар солиқ тўлашдан бош тортиш ва даромадларни яшириш даражасини кескин пасайтирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чоралари туфайли 2010-2015 йилларда рўйхатга олинган (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) субъектлар сони 193 минг 800 дан қарийб 226 мингга етди. Маҳсулот ва хизматларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши кейинги ўн йилда 1,8 баробарга ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тезкор ривожланишига ижобий таъсир қилган муҳим омиллардан бири – солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими жорий этилганидир. Масалан, сўнгги йилларда микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тўланаётган ягона солиқ тўлови ставкаси кескин пасайтирилди. 2016 йилдан бошлаб иқтисодиёт тармоқларида хизмат кўрсатувчи корхоналарда ягона солиқ тўловининг ставкаси 5 фоизга туширилди.

Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури асосида қабул қилинган қўшимча чораларга мувофиқ соҳага яна бир қатор имтиёз ва преференциялар берилди. Хусусан, жисмоний шахсларнинг микрофирма ва кичик корхоналарни таъсис этишдан оладиган дивиденд кўринишидаги даромадлари, юридик шахсларнинг капиталлашувга, инвестицияларга, илгари олинган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган маблағлари беш йил давомида солиқдан озод қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқларга барҳам беришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда "Гўзал ва бетакрорим-сан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида Навоий шаҳридаги Тасвирий санъат галереясида "Ватанимга менинг туҳфам!" мавзусида расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Ёшлар марказида инновацион ва бизнес ғоялар тақдимоти, турли кўргазмалар ўтказилди.

● Термизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз" акцияси ўтказилди.

● Нукусда "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда 130 нафар йигит-қиз ўз бизнес-режаси ва тадбиркорлик ғоялари билан иштирок этди.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Фуқаролик жамиятининг гуманитар ва ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида журналистлар учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Наманганда маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган "Футболимиз келажаги" мусобақасининг ҳудудий финал босқичида 12 жамоа уч ёш тоифасида ғолиблик учун баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Халқаро олимлар гуруҳи тадқиқотлари натижасида умуртқалилар орасида гренланд қутб акуласи энг узоқ умр кўрувчи жонзот эканлиги аниқланди. Аввал сувда энг узоқ умр кўрувчи жонзот гренланд кити деб ҳисобланар эди, у 211 ёшгача умр кўриши мумкин. Олимлар ўз тадқиқотларида 2010-2013 йилларда Гренландияда тутилган 28 та урғочи гренланд қутб акуласи кўз гавҳарининг ядросини таҳлил қилиб, улар 400 йилгача умр кўришларини аниқладилар. Энг қизиғи, мазкур акулалар 156 ёшга тўлганда (узунлиги 400 сантиметрга етганда) насл қолдиришга киришадилар.

● АҚШнинг NASA тадқиқотчилари космик бўшлиқдан галактикалараро газлар ҳудудидаги иккита митти галактикани аниқлашга муваффақ бўлишди. Ердан 19-30 миллион ёруғлик йили узоқликда жойлашган митти галактикаларнинг ҳар бирида 20 тадан 30 тагача мовий юлдузлар бор. Бу эса, галактикалар пайдо бўлганига унчалик кўп вақт ўтмагани, уларнинг ёши 100 миллион йил атрофида эканини билдиради.

● Хитой пойтахти Пекин маъмурияти заҳарли тутун ва газлардан 2020 йилга келиб батамом халос бўлишни режалаштирмоқда. Бу муаммони кўмирдан фойдаланишни қисқартириш ва дов-дарахт сонини кўпайтириш эвазига ҳал этиш кўзда тутилмоқда. Шаҳар ҳокимияти ушбу мақсад учун 16,5 млрд. юань (2,57 млрд. долларга яқин) маблағ ажратган. Дастурда экологик талабларга мос келмайдиган эски транспорт воситаларини алмаштириш ҳам кўзда тутилган.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида байрамни муносиб кутиб олиш учун қизғин тараддуд кўрилмоқда. Фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар, эл севган санъаткорлари иштирокида жойларда мустақилликнинг мазмун-моҳияти тўғрисида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай маданий-маърифий тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўздавнефтгазинспекция" ҳамда "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси қошидаги "Махсусэнергогаз" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбек Миллий академик драма театри артистлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари иштирок этишди.

Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳар жабҳада қўлга киритилаётган улкан зафарлар, бугуни ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган мамлакатимиз ёшларининг жаҳон талабларига жавоб берувчи кадрлар бўлиб етишаётганлиги, аҳолининг тинч ва осуда ҳаётда бахтиёр умр кечираётганлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умаралиев томонидан мамлакатимизнинг қисқа давр ичида қўлга киритган ютуқлари, халқимизнинг фаровон турмуши йўлида ҳукуматимиз томонидан кўрилаётган чоралар, ўтказилаётган ислоҳотлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

— Жонли мулоқот мобайнида юртимизда халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнлари натижасида йилдан йилга ўсиш суръатлари яққол кўзга ташланаётгани, мустақиллик йилларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида, эришилган ютуқларимиз ҳақида сўз юритилди, — дейди "Ўздавнефтгазинспекция" касаба уюшма қўмитаси раиси Рихсивой Маҳаматов. — Тадбир иштирокчилари томонидан шу муқаддас заминда туғилганлиги, яшаётганлиги, фаолият юритаётганлиги учун шукроналар айтилиб, келгусида она Ватанимиз тараққиёти ва ривожига ўзларининг меҳнатлари, фидойилиги билан ҳисса қўшишларини дилларига тугдилар.

Ўзбек Миллий академик драма театри артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Зуҳра Ашурова, Раъно Ярашева, Тоҳир Саидов, Фарҳод Абдуллаевлар томонидан Ватанимизни мадҳ этувчи шеърлар, монологлари иштирокчиларга манзур бўлди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов томонидан Ватанга бағишланган қўшиқлар ижро этилди.

(Ўз мухбиримиз)



Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ташаббуси билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ёш тадбиркор ва фермерлар форуми ўтказилди.

ЁШ ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва депутатлик корпуси аъзолари, партия "Ёшлар қаноти" фаоллари, республиканинг турли ҳудудларидан келган 200 дан ортиқ ёш тадбиркор ва фермерлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Форумнинг ялпи йиғилиши ва унинг якунлари бўйича ўтказилган брифингда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси С.Турдиев, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар мустақиллик шарофати билан хусусий мулк ва тадбиркорликка кенг йўл очилганини, мазкур форум ҳам кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг яққол самараси сифатида мамлакатда ёш мулкдорлар қатлами шаклланганлигини тарғиб қилиш ва улар учун мулоқот майдонини яратиш мақсадида ташкил этилганини таъкидлаб ўтишди.

Бугун юртимизда 88061 нафар ёш тадбиркор ва минглаб ёш фермерлар фаолият юритмоқда. Бу ёшларимиз сафи йилдан йилга кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Ёш тадбиркорлар ва фермерлар нафақат ўз оиласи фаровонлигига, шу билан бирга, Ватанимизнинг тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда, улар юзлаб янги иш ўринларини яратиб, ўз ака-опаларини, тенгдошларини иш билан таъминламоқда.

— Ёшим йигирма олтида, — дейди пойтахтлик Камилла Хамадова. — Тадбиркорликни 2011 йилда 80 ўринли "Гелекон Вест" меҳмонхонасини барпо этиш билан бошлаган эдим. Ҳозирги кунда бу ерда 12 нафар ходим иш билан таъминланган бўлиб, меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Яқинда фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш мақсадида меҳмонхонамиз таркибида "Гелекон" кафесини ҳам ишга туширдик. Натижада яна бир қанча қўшимча иш ўринлари ташкил этилди. Ўз навбатида O`zLiDeP ғояларини тарғиб қилишда ҳам фаол қатнашиб келаяпмиз. Жумладан, жорий йилда меҳмонхонада 10 нафар аъзони ўзида бирлаштирган бошланғич партия ташкилотини туздик.

Ёш тадбиркорлар ва фермерлар форуми қатнашчиларининг яқдил фикрига кўра, мамлакатимизда сақланиб келаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, миллатлараро тотувлик юртимизда кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, ёш тадбиркорлар ва фермерлар сафини кенгайтириш йўлида янги имкониятлар ва асослар яратмоқда.

Форум доирасида ўтказилган тадбирларда ёшларга оид давлат сиёсати мақсадларини ҳаётга татбиқ этиб бориш, бунда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ёш фермерлар ва тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини ривожлантириш ҳисобига қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва битирувчи ёшлар иштирокида янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйишга доир вазифалар муҳокамалар марказида бўлди. Форум иштирокчиларининг гуруҳлардаги "Бизнесда муваффақиятга эришиш омиллари" номли маҳорат дарсларида илғор тадбиркорлар ва фермерлар томонидан иштирокчиларга маҳорат сабоқлари ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон ёш тадбиркорлар ва фермерлари эришаётган ютуқлар акс этган фотокўргазма ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намойиши ташкил этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

КИЧИК БИЗНЕС ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу асосда микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир марта амалга оширилмоқда. Бошқа хўжалик субъектларида фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади. Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмайди. Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади. Қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида амалга оширилади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини биринчи марта содир этган, бу ҳолат аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бундай чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот ва хизматлар бозори мўл-кўллиги ва сифати ошишига олиб келмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳрининг умумий ер майдони 35,1 минг гектарни ташкил этиши; шундан шаҳар чегараси доирасидаги барча яшил умумий майдони 7,1 минг гектар бўлиб, шу жумладан фойдаланиладиган кўкаламзорлаштириш 5,21 минг гектар, гулзорлар майдони 149,8 гектардан иборат эканлиги ҳамда ҳар бир аҳоли жон бошига 69 м² кўкаламзорлаштирилган майдон тўғри келиши, бу эса халқаро нормаларга кўра ўртача киши бошига тўғри келадиган 51 м², кўкаламзорлаштирилган майдон кўрсаткичдан анча юқори эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда олиб борилган ишларга баҳо берилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ва Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг сайёр йиғилиши иштирокчиларига "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан қарор қабул қилинганлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрида "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23,24,25 ва 26-моддаларига асосан Давлат ўрмон фондидан ташқаридаги дарахтлар ва буталарни кесганлик учун тўлов миқдорларини белгилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлаш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарарни ундириш миқдорини ҳисоблаш тартибининг амалиётда қўлланилиши ҳолати юзасидан ишчи гуруҳнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудида дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлаш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарарни ундириш миқдорини ҳисоблаш тартибининг амалиётда қўлланилиши ижросини таъминлашда амалий ишлар билан бирга айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги қайд этилиб, бу соҳада бевосита ваколатли органлар бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда табиатни муҳофаза қилиш органларининг масъулияти ва жавобгарлигининг оширилиши лозим эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари С.Джакпаров, Қ.Носиров, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ш.Муҳамеджанов, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси раҳбарининг ўринбосари С.Аглаев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Б.Қобилов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот генофонди институти Тошкент шаҳар Ботаника боғи директори ўринбосари М.Турғунов ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилиш якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ – САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда замонавий бизнес юритиш тартиб-тамойилларини амалиётга татбиқ этиш иқтисодий ислоҳотларнинг бугуни босқичида устувор вазифалардан биридир. Бу борада корпоратив муносабатлар тизимидаги мавжуд принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар иқтисодиётни модернизация қилиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда инвестициявий жозибадорликни оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Барча соҳада эски қолип ва андозалардан воз кечиш, илғор халқаро тажрибани жорий этиш ҳуқуқий ва ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш баробарида мутахассислар, айниқса, раҳбар ходимларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзини ўзгартиришни тақозо қилади. Бу бошқарув жараёни корпоратив муносабатлар асосига қурилган корхона ҳамда ташкилотларда долзарб аҳамият касб этади. Бинобарин, йирик ва миноритар, маҳаллий ҳамда хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимояланиши бошқарув аппаратидан юксак малака, катта маҳорат талаб этади.

Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан мазкур жиҳатлар алоҳида эътиборга олиниб, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди.

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари, шунингдек, ўтган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида **марказ директори ўринбосари Бахтиёржон АКБАРАЛИЕВ** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Б.Акбаралиев. – Бу юртимизда хилма-хил мулкчилик шаклига эга иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши билан бир қаторда, хусусий мулкни бошқариш юзасидан дунё мамлакатларида тўпланган энг яхши ва мақбул тажрибаларни миллий ўзига хосликни инобатга олган ҳолда амалга жорий этишни тақозо қилмоқда.

2015 йилнинг ноябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази олдига қўйилган вазифа ҳам мамлакатимизда корпоратив муносабатлар асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларида замонавий, самарадор бошқарув усулларининг татбиқ этилишида корхона ҳамда ташкилотларга институционал кўмак беришдан иборатдир.

Марказ фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 октябрдаги "Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган бўлиб, ўтган даврда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Марказ олдига қўйилган устувор вазифа – хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва хусусий корхоналар раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларини замонавий корпоратив бошқарув услублари бўйича ўқитиш ишлари бошлаб юборилди. 2015 йилнинг декабрь ойида "Бизнесни бошқариш магистри" ("Master of Business Administration – MBA") мутахассислиги бўйича Давлат тест маркази томонидан ўтказилган синовлар натижалари асосида энг юқори балл тўплаган 40 номзод магистратурага қабул қилинди.

Магистратура ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишда мамлакатимиз ҳамда етакчи хорижий таълим муассасаларида тўпланган энг илғор тажрибалардан фойдаланилди. Бу ўринда Европа менежмент ва технологиялар мактаби (Германия), "Insead" (Франция), "Harvard Business School MBA" (АҚШ) ҳамда "London Business School" (Англия) бизнес мактаблари ўқув дастурларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўқув жараёни бир нечта ўқув блокларига ажратилган ҳолда олиб борилади. Бунда бошқарув иқтисодиёти, умумий менежмент, корпоратив бошқарув, корпоратив молия, маркетинг менежменти сингари еттита мутахассислик фанига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларни ўзлаштириш тингловчилар учун мажбурий ҳисобланади. Шу билан бирга, ўқув дастурлари умумметодологик ҳамда танлов фанлари, шунингдек, илмий фаолиятни қамраб олган.

Дарслар Марказ ва бошқа нуфузли олий таълим муассасалари, илмий-текширш институтлари профессор-ўқитувчилари, давлат органлари етакчи мутахассислари, хорижлик экспертлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик компания ва ташкилотлар амалиётчилари томонидан олиб борилади. Хусусан, хорижий тиллар JICA (Япония), KOICA (Жанубий Корея) агентликлари ҳамда Конфуций институти (Хитой) мутахассислари томонидан ўқитилмоқда.

Марказимиз тингловчиларнинг тўлақонли билим олиши ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг самарали фаолият юритиши учун барча қулайликка эга. Ўқув залларида масофавий дарс ўтиш имконини берадиган видеоконференц-алоқа воситалари, турли усулларда дарс олиб бориш имконини берувчи мультимедиа жиҳозлари мавжуд. Мультимедиа воситалари электрон маълумот стендлари билан жиҳозланган бўлиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бир қатор хорижий лицензияланган ахборот-кутубхона ресурсларига онлайн режимда тўғридан-тўғри уланади. Буларнинг барчаси тингловчи ва мутахассисларга жаҳоннинг энг илғор илмий-назарий маълумотларини олиш ҳамда даврий матбуот материалларидан фойдаланишда жуда қўл келади.

Шу кунларда 2016/2017 ўқув йили учун магистратурага тингловчиларни қабул қилиш ишлари қизғин кетмоқда. Ҳужжатларни қабул қилиш жорий йилнинг 20 июлида бошланган бўлиб, 20 августга қадар давом этади. Шу муддат давомида олий маълумотли, олий таълим муассасасини битиргандан сўнг камида уч йиллик иш стажига эга 40 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари магистратура йўналишига ҳужжат топширишлари мумкин.

Марказимизда магистратура таълим йўналиши билан бир вақтда корпоратив муносабатларнинг алоҳида йўналишлари бўйича турли махсус курслар ҳам ташкил этилмоқда. Корпоратив бошқарув соҳасида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу билан бирга, баҳоловчилар, риэлторлар ва суд ижрочиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил қилинган.

Хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари раҳбар ходимлари, кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи ва тафтиш комиссияси раҳбарлари, мутахассислари ва бошқа хусусий тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган корпоратив бошқарув курслари қисқа муддатли бўлиб, махсус ишлаб чиқилган дастурлар асосида амалга оширилади.

Европа менежмент ва технологиялар мактаби билан ҳамкорликдаги "Раҳбар ходимлар учун корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари" малака ошириш курси юқори бўғин раҳбарлари учун мўлжалланган бўлиб, бу курс икки босқичдан иборат. Биринчи босқич, яъни назарий ўқиш Германиянинг Европа менежмент ва технологиялар мактаби профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда Марказимизда олиб борилади, иккинчи босқич Германиянинг йирик компания ва корпорацияларида бўлиб ўтади. Мазкур курсни ҳозиргача 262 раҳбар ходим тамомлаб, уларнинг 128 нафари Германияда малака ошириб қайтди.

Маълумки, бугунги кунда давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва кузатув кенгаши аъзолари корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлиши шарт. Шундан келиб чиқиб, Марказда корпоратив бошқарувчи малака аттестатини олмоқчи бўлганларга махсус курс ташкил этилган. Ҳозиргача мазкур курсни тамомлаган 352 тингловчидан 179 нафарига малака аттестати берилди, қолганларини ҳам суҳбатдан ўтказиш жараёни давом этмоқда.

Мухтасар айтганда, Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида амалга оширилаётган ишлар иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Беҳзод БОЗОРОВ
ёзиб олди

Мактаб ярмаркаси

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Айни кунларда шаҳримизнинг барча ҳудудларида мактаб ярмаркалари фаолият олиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари учун харид қилинадиган кийим-кечаклар, керакли ўқув қуроллари, ўқувчиларнинг йил давомида самарали таълим олишига замин яратади.



Темур Мамадаминов олган сурат

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан янги 2016/2017 ўқув йили олдидан мактаб қуроллари, дарсликлар, кийим-кечаклар, пойабзаллар кўргазмаси ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик масалаларига бағишланган брифинг ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг бахтли ва истиқболли келажаги йўлида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

2016/2017 ўқув йили бошланиши муносабати билан умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечак, пойабзаллар билан таъминлаш ва ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида, 10 августдан 10 сентябргача республикамизда 1978 та мактаб ярмаркалари ташкил этилди.

Улар асосан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, аҳоли гавжум бозорларда, йирик савдо мажмуаларида очилган. Тоғли ва чўл ҳудудларида ҳам юзга яқин кўчма автодўконлар хизмат кўрсатмоқда.

Мактаб дўконларида 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлар сотуви ташкил этилди. Булар ўқув, кундалик, умумий, расм, нота дафтарлари, ручка, портфель, кўплаб мактаб анжомлари, қизлар ва ўғил болалар учун мактаб, спорт кийимлари ва пойабзаллардан иборатдир.

Ўқувчилар учун сотувга чиқарилаётган мактаб формалари тоза ипак ва пахта толасидан тайёрланган газламалардан тикилган. Улар қулай, бежирим ва санитария-гигиена талабларига жавоб беради.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилган.

Жойларда ташкил этилган мактаб ярмаркаларига асосий турдаги маҳсулотларни аниқланган эҳтиёж асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси етказиб бермоқда.

– "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти таркибида 360 дан ортиқ корхона мавжуд бўлиб, улардан икки юзга яқини мактаб формаларини ишлаб чиқаради, – дейди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятининг маркетинг бўлими бош мутахассиси Маҳбуба Султонова. – Улар ўқувчилар учун мактаб формаларини яратишда дизайнерлар, модельерлар, либослар мутахассислари билан бирга шифокорлар, ота-оналарнинг фикрларидан хулоса чиқарган ҳолда иш олиб боришмоқда. Мактаб формаларини ишлаб чиқаришда асосан табиий матоларни қўллашга, моделларнинг ихчам, қулай, иқлим ҳамда санитария-гигиена талабларига мослигига катта эътибор қаратилаётир.

Шаҳримизнинг Фарҳод бозори ёнида ташкил этилган мактаб ярмаркасида бўлганимизда бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Ота-оналар фарзандлари билан биргаликда ўзларига қулай бўлган маҳсулотларни сотиб олишмоқда.

– Бу йил ўғлим олтинчи, қизим учинчи синфга боради, мактабга зарур бўлган барча ўқув қуролларини шу ердан харид қилдим, – дейди Маржона Алимова. – Китоб-дафтарларнинг сифати мени мамнун этди. Ортиқча ёзув-чизув ва турли расмлардан холи. Айниқса савдо тармоқларида тўлов терминалларнинг ишлаб тургани бизлар учун яна бир қулайлик. Таълим жараёни учун зарур бўлган анжомлар, мактаб, спорт кийимлари, пойабзалларнинг барча ўлчамларининг мавжудлиги зарур маҳсулотни танлаб, харид этиш имкониятимизни кенгайтиради.

Маҳаллий ҳокимликлар хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа назорат органлари билан бирга мактаб ярмаркаларида маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги стандартлар талабларига жавоб беришини мунтазам назорат қилади. Нарх-навонинг сунъий тарзда ошиб кетишига йўл қўйилмайди, тўлов терминалларининг узлуксиз ишлаши таъминланади.

Жойларда ташкил этиладиган мактаб ярмаркаларининг манзиллари, улардаги мавжуд маҳсулотлар турлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ОЛИЙ САОДАТ

Ҳар бир байрам ўз моҳияти, аҳамияти билан алоҳида ўрин тутади. Мустақиллик халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечиришга имкон берди. Истиқлол, барча юртдошларимиз учун ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан ҳам қадрлидир.

Бугун Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган куннинг 25 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ушбу тантаналар олдидан мустақил давлат сифатида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, юраклар жунбушга келади.

Ўзим, ҳуқуқ соҳасида фаолият юритганим боис, мазкур соҳада амалга оширилган салмоқли ишлар ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдим.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилаётгани натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниб, жамиятда адолат таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинар экан, қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди: жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Натижада оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Бугун юртимизда энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланиши таъминланмоқда.

Даставвал, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 26 та моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар бўйича ярашувга келинганлиги иш юритишни тугатиш ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлса, ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

Конституциямизда акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтирилди.

Жиноят қонунчилиги ва жазо тизимини либераллаштириш вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун чоралар белгилашда инсонпарварлик, раҳмдиллик руҳи билан суғорилган нормаларнинг устуворлигини белгилаб қўйди.

Демак, ўтган йилларга назар ташлаб, шунга амин бўламизки, ҳаётимиз фаровонлиги ортди, турмуш тарзи ўзгарди, шу билан бирга суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунлар ҳам либераллашиб, эндиликда янада такомиллашиб бормоқда. Қувонарлиси, барча қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар, янги қонунлар фуқаролар ҳуқуқини қўшимча кафолатлашга, инсон манфаатларини, қадриятларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда қонунга киритилган ўзгаришлар катта ижобий натижалар бераётганлигини мамнуният билан таъкидлаган ҳолда, биз, ҳуқуқшунослар келгусида қонунларнинг турли жиҳатларини синчиклаб ўрганиб, уларни инсон манфаатларини янада тўла ҳимоя қилишини таъминлаш юзасидан тинмай изланиш олиб боришимиз, амалиёт ва халқаро тажрибани қиёсий жиҳатдан таҳлил этган ҳолда илмий тавсияларни шакллантиришимиз лозим.

Мустақиллик йилларида мен ҳам кўплаб ютуқларга эришдим. 2005 йил 28 январда "Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари" мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 2009 йил 18 декабрда "Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим.

Меҳнат фаолиятим давомида 5 та дарслик, 26 та ўқув ва ўқув-услубий қўлланма, 6 та монография, 6 та илмий-оммабоп рисолалар чоп эттирдим ва 130 дан ортиқ мақолаларни нашрга тайёрладим. Бундан ташқари "Жиноят процесси", "Жиноят процессига шарҳлар", "Криминалистика" каби адабиётларга ҳаммуаллифлик қилдим.

Истиқлол берган имкониятлар туфайли ўз изланишим ва билимим билан университет Ихтисослашган кенгаш аъзоси, Илмий Кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Илмий маслаҳат кенгаши аъзоси сифатида амалдаги моддий ва процессуал қонунчиликнинг такомиллашувида ва Олий суд суди Пленуми қарорлари лойиҳаларини такомиллаштиришда фаолият юритмоқдаман.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам истиқлол берган неъматлар туфайли ўз билим ва салоҳиятимни янада юксалтириб бормоқдаман. Ютуқларимиз замирида мустақиллигимиз инъом этган имкониятлар жамланмаси мужассам.

Зеро, истиқлол биз каби барча соҳа вакилларига ўз устида ишлаш, иқтидорини намойиш қилиш ҳуқуқини берди. Шундай экан жаннатмонанд она Ватанимизнинг мустақиллигини асраб-авайлаш, қадриятларини қадрлаш, тараққиёти ва юксалишида муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг вазифамизга киради.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент давлат юридик университети "Криминалистика" кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, доцент

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан "Салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш" мавзусида тадбиркорлик субъектлари билан давра суҳбати ташкил этилди.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Сўнгги йилларда республикамизда аҳоли сонининг барқарор ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг тез суръатларда ривожланиши, автотранспорт воситалари сонининг кўпайиши кузатилмоқда. Буларнинг барчаси атроф табиий муҳитга сезиларли даражада таъсир этмоқда. Табиат объектларига кўрсатилаётган салбий таъсирни камайтириш, аҳоли саломатлиги учун қулай шароитларни яратиш, экологик тизимларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш учун эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш бўйича тизимли ҳамда ҳар томонлама пухта ўрганилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Шу сабабли аҳоли ҳаёти ва саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатувчи атроф-муҳитнинг ҳолати юқорида қайд этилган масалаларнинг ижтимоий аҳамияти ва долзарблигини белгилаб берди.

Экспертларнинг хулосасига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омилларнинг 20-25 фоизи атроф-муҳит билан боғлиқ. Масалан, атмосфера ҳавоси ва сув объектларининг ифлосланиши, тупроқнинг деградацияси, зарарланган атроф-муҳитда етиштирилаётган ёхуд ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва бошқа омиллар инсон саломатлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Халқаро ҳамда мамлакатимиз тажрибаси шуни кўрсатдики, турли лойиҳаларни амалга оширишда ҳар бир режалаштирилаётган фаолиятнинг экотизимларга, техносфера элементлари ва табиийки, инсон саломатлигига салбий таъсирини олдиндан кўра билиш муҳимдир. Фаолиятни режалаштириш жараёнида атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш фаолиятни амалга ошириш жараёнида уларни аниқлаб, бартараф этишдан анча осонроқдир. Шу боис ҳам экологик экспертизаси атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим омили ҳисобланади.

Белгиланган экологик нормативларга амал қилишни таъминлаш жуда муҳим. Амалдаги хўжалик субъектлари томонидан экологик зарарнинг олдини олиш ёки юмшатиш учун, атроф-табиий муҳити ва фуқаролар саломатлигига салбий таъсирнинг, бир сўз билан айтганда, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган фаолиятнинг ижтимоий оқибати ва экологик таҳлилини назарда тутувчи ҳар томонлама экологик баҳолаш зарур.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида, яъни Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонунларида давлат экологик экспертизасини ўтказиш мажбурийлиги, унинг объектлари белгиланиб, экологик экспертизанинг ижобий хулосасисиз режалаштирилаётган лойиҳаларнинг амалга оширилиши тақиқланган. Шунингдек, давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган объектлар ҳамда фаолият турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 491-сонли қарорида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги "Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан табиатдан фойдаланувчилар томонидан ишлаб чиқиладиган атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ташламалари, оқавалари атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг экологик нормативлари лойиҳалари экологик экспертиза объектлари ҳисобланади.

Режалаштирилган фаолиятнинг қайтариб бўлмас салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида объектни оптимал жойлаштириш варианти танланади. Табиатни муҳофаза қилишнинг янада самарали чоралари ишлаб чиқилади, кам чиқитли технологиялар таклиф этилади.

Бундай ёндашувлар ҳам атроф-муҳит ва инсон манфаатларига, ҳам корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига хизмат қилади. Гап шундаки, ҳар қандай экологик асосланган фаолият сарф-харажатларнинг камайишига, масалан, экологик оқибатларни бартараф этиш ёки уни қоплашга сарфланадиган маблағларга зарурат қолмаслигига эришиш мумкин.

Шунингдек, экологик муаммоларнинг олдини олиш мақсадида кам чиқитли ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш эвазига ишлаб чиқилаётган маҳсулот таннархининг камайишига эришилади.

Шу сабабдан ҳам "Салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш" мавзусидаги давра суҳбатида айнан шу масалалар муҳокама қилинди. Унда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг раҳбар ва вакиллари, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат экологик экспертизасини ўтказишга ихтисослашган эксперт бўлинмаларининг мутахассислари иштирок этдилар. Унда Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига асосан мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятни амалга оширишдан олдин бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш мажбурийлиги, давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиб-қоидалари, унинг объектлари ва турлари каби масалаларга тўлиқ тушунчалар берилди.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ахборот хизмати

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда бирламчи тиббиёт тизимида замонавий патронаж хизматининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, патронаж ҳамшираларва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Нурматова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббий-профилактика хизматини такомиллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор инсон саломатлигини асрашнинг муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда шаклланган бирламчи тиббий-санитария ёрдами мазмун-моҳияти билан касалликни аниқлаб даволашга эмас, балки унинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамият касб этаётир. Бу жараёнда оила шифокори ва патронаж ҳамшира хизмати шакллантирилган. Тиббий патронаж хизмати йўлга қўйилиши билан тиббиёт ходимларининг оилаларга қатнови ортди. Бунинг натижасида, энг аввало, она ва бола саломатлигини асраш, соғлом фарзанд дунёга келиши ва камолга етишига эришиш, касалликларни барвақт аниқлаш ва самарали даволашга эришилмоқда.

Тиббий-патронаж хизматининг муҳим жиҳатлари эътиборга олиниб, бу соҳа муттасил ривожлантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 1 декабрдаги "Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираларини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида патронаж ҳамширалар иши самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартибига оид қоида тасдиқланди. Унга мувофиқ, жорий йил 1 январдан бошлаб 85 фоиздан юқори балл тўплаган ҚВП патронаж ҳамширалари маошига 5 фоиздан 20 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда. Бу имконият патронаж ҳамшираларнинг ўз ишига бўлган муносабати ва меҳнат самарадорлиги, пировардида тиббий хизмат сифатини юксалтириш омили бўлаётир.

Патронаж хизматини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда икки марта патронаж ойлиги ўтказилди. Ойликлар доирасида хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш, оналар, болалар, ўсмирлар, кексалар ва аҳолининг тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар янада кучайди.

Аҳолига патронаж ёрдами кўрсатишда тиббиёт муассасаларининг нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлиги йўлга қўйилгани яхши самара бераётир. Хусусан, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда саломатлик секторлари шакллантирилиб, аҳоли орасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Илмий-амалий анжуманда жойларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди. Эришилган ютуқ ва тажрибалар оммалаштирилди, ечимини кутаётган долзарб вазифаларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгилаб олинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: "SPACE ARSENAL SERVIS" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 19.08.2013 йилдаги 1-439/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 14 715 200 сўм, 1991 и/ч., дав/рақ: 01 Q 654 РА бўлган, "Мерседес-Бенц" русумли техник носоз автотранспорт воситаси: **2.** Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: "Зафар И" боржона омборида сақланаётган 10.10.2012 йилдаги 1-889/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 35 667 542 сўм, 1994 и/ч., дав/рақ: 01 А 612 ВА бўлган, "Мерседес-Бенц" русумли техник носоз автотранспорт воситаси: **3.** Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Яшнобод тумани прокуратураси биносида сақланаётган 08.05.2013 йилдаги 1-237/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 5 783 792 сўм, 1995 и/ч., дав/рақ: 01 М 277 ЈА бўлган, "Газ-31029 СПГ" русумли техник носоз автотранспорт воситаси: **4.** Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: "Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази"га қарашли далилий ашёларни сақлаш майдончасида сақланаётган 21.08.2009 йилдаги 1-504/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 4 762 073 сўм, 1988 и/ч., дав/рақ: 10 AZ 071 бўлган, "КАМАЗ" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 20 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 16 сентябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000900603278001, МФО: 01088, ИНН: 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: 239-29-40. **Гувоҳнома № 009293.**

Спорт

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ҳаваскор жамоалар ўртасида "Адолат" кубоги учун мини-футбол мусобақаларининг якуний республика босқичи ўтказилди.

ҲАВАСКОР ЖАМОАЛАР КУЧ СИНАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон мини-футбол федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ҳамда пойтахт жамоалари ўзаро куч синашди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон мини-футбол федерацияси мутасаддилари, партия фаоллари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларни соғлом турмуш тарзи, оммавий спорт, жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этишга чуқур эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидладилар.

Бугун нафақат ёшлар, балки аҳолининг кенг қатлами орасида спортни тарғиб қилиш, ҳаваскор жамоалар ўртасида спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ҳам анъанага айланиб бормоқда.

Ҳаваскор жамоалар ўртасида ўтказилган мазкур мусобақадан кўзланган асосий мақсад аҳоли, айниқса, ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни кучайтириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш орқали жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, ҳар қайси иштирокчи қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга қаратилган.

Икки босқичда ўтказилган мазкур мусобақанинг минтақавий босқичлари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ҳудудий Кенгашлари ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан жойларда шакллантирилган жамоалар ўртасида ташкил қилинди.

Мусобақа якунида Сирдарё вилояти жамоаси биринчи, Наманган вилояти жамоаси иккинчи ва Тошкент вилояти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. Голиб жамоаларга "Адолат" кубоги, медаллар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбир сўнгида эл севган хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

Зарина РУСТАМОВА

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Фарғонада теннис бўйича қизлар турнирида иштирок этаётган ҳамюртимиз Фариза Абдуллаева тожикистонлик Анастасия Турсунова билан беллашди.

Биринчи сетда саралашдан чиққан Анастасия ҳамюртимизни 6:3 ҳисобида енгди. Бу натижа Фаризани шиддатли ўйнашга ундади. Ҳужумкорликка зўр берган ўзбекистонлик теннисчи қолган икки сетда рақибасига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва 6:0, 6:0 ҳисобида зафар қучиб, кейинги даврага йўл олди.

Шунингдек, мусобақанинг яккалик беллашувларида иштирок этаётган ҳамюртимиз Гулсина Хамидулина биринчи учрашувини арманистонлик Нарине Саргсянга қарши ўтказди.

Учрашувда рақибасидан ҳар томонлама устунлигини исботлаган Гулсина 6:2, 6:2 ҳисобида ғалаба қозониб, иккинчи босқичга йўлланма олди.

Ботир ХЎЖАЕВ







БОҒДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Пойтахтимизнинг барча гўшаларида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини кенг нишонлаш мақсадида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимлари, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Олмазор ва Юнусобод туманларида мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни ўзида мужассам этган кўргазмалар, фототасвирлар, халқ амалий санъатининг дурдона намуналари намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтказилаётган байрам тадбирларида истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртдошларимизга етказиш, мустақилликнинг нечоғлик улуғ неъмат эканлигини ёш авлод қалбига сингдириш, уларни улкан ютуқ ва марралар сари руҳлантиришга эътибор қаратилган.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, хусусан, Тошкент шаҳрининг кун сайин чирой очиб бораётгани, бунёдкорлик ишлари, қолаверса ижтимоий жабҳадаги туб ижобий ўзгаришлар, юртимиз таълим тизими янгиланган, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар ва бошқа шу каби ютуқларимизни алоҳида таъкидлади.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб маънавиятимизга ва миллий қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими раҳбари Озод Мамашакиров. — Ушбу юксак эътибор туфайли келажак авлоднинг маънавий ва маърифий тафаккури, дунёқараши янада бойиб бормоқда. Шу билан бирга ёшларнинг таълим олишлари учун барча имкониятлар яратилди. Бунинг самараси ўлароқ, кўплаб халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгалламоқдалар.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли кўплаб ютуқларга эришдик, ўзлигимизни англадик, озод халқ ва мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди. Ҳуррият берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз, эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад мустақиллик энг аввало, ўзлигимизни англаш, барчамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлаш, меҳр-оқибатни қарор топтиришдан иборатдир, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. — Бебаҳо тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, халқ фаровонлигини ошириш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Тадбирда Ватан мадҳини тараннум этувчи куй-қўшиқлар, спортчиларнинг чиқишлари иштирокчиларга янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Тадбир сўнгида шаҳримизнинг туманларида жойлашган маҳалла ҳаётида фаол иштирок этаётган нуронийлар, намунали оилалар, ўқитувчилар, спорт, таълим ва бошқа йўналишлар бўйича халқаро танловларда муносиб ўрин эгаллаган иқтидорли ёшлар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

"101"

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнғинлар натижасида шаҳримиздаги корхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас.

Юз бераётган кўплаб ёнғинлар одамларнинг айби билан бўлади. Чунки баъзи бир корхоналар, маъмурий бинолар, ўқув масканлари, даволаш муассасалари, айниқса, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнғин назорати ходимларининг кўрсатмаларини вақтида бажармаслик, огоҳлантиришларга бепарво қараш, катталарнинг лоқайдлиги натижасида ёнғинлар содир бўляпти. Унутмангки, ҳар бир ёнғин бу йўқотишдир. Кўплаб йиғилган мол-мулкимиз саноқли дақиқаларда ёниб кул бўлади.

ЁХБ ходимлари мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллалар ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин офатининг олдини олиш борасида амалий кўрсатмалар бериш мақсадида учрашувлар ўтказиб келмоқдалар. Юз бераётган ёнғинларга асосий сабаб болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлмоқда. Куйиш тан жароҳатини олганларнинг асосий қисмини ўсмирлар ташкил этади. Улар билан суҳбатлашганимизда, бунга билиб-билмай қилган ҳаракати ёки ота-оналар назоратидан четда қолиш, ўт ёқиш, чўғ билан ўйнаш, баъзан тез алангаланувчи моддаларга ўта қизиқувчанлиги сабаб бўлганлигини эшитамиз.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак.

Равшан САТИБАЛДИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ҲЁХО 1-ҲЁХ алоҳида пост инспектори, сержант

* * *

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изини қолдиради. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Дилшод ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ 33-ҲЁҲҚ смена бошлиғи, капитан

* * *

Ёнғин бир лаҳзада мол-мулкдан ва яқинлардан ажратиб қўядиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғиндир.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёш болаларимизга бепарво бўлишимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзага келаётганлигига гувоҳ бўламиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир бегамроқ бекаларимиз эса газ анжомида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмаларини, жиҳозларни кулга айлантиради, ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлиғини ва ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради.

Шунинг учун биз Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари сизлардан эътиборли бўлишингизни сўраб қоламиз.

Камолиддин ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁҲҚ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"YASMIN GOLD AUTO" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 3.05.2016 йилдаги 16229-30\20-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек суд ижрочилари бўлими (СИБ) томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, "Қорасув-4" даҳаси, 2-уй, 282-хонадон манзилида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси – 50 257 500,0 сўм, давлат рақами 01S939UA бўлган "ГБАСПГ ЛАСЕТТИ" автотранспорт воситаси, шунингдек, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 1.08.2016 йилдаги 10-1510/12375-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлими (СИБ) томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, "Авто Плаза сервис" МЧЖ манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

— 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/430BDA бўлган "ГБА СПГ NEXIA COHC" русумли, бошланғич баҳоси – 21 500 000,0 сўм;

— 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/392BDA бўлган "SPARK" русумли, бошланғич баҳоси – 24 600 000,0 сўм;

— 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/597BDA бўлган "ГБА СПГ COBALT" русумли, бошланғич баҳоси – 39 240 000,0 сўм;

— 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/405BDA бўлган "NEXIA DOHC 2" русумли, бошланғич баҳоси – 21 500 000,0 сўм;

— 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/166 BDA бўлган "ГБА СПГ DONG FENG EQ 6380LF" русумли, бошланғич баҳоси – 13 000 000,0 сўм;

— 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/078BDA бўлган "ЗАЗ FORZA AF4854-20" русумли, бошланғич баҳоси – 27 950 000,0 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан СИБ вакиллари иштирокида, уларнинг жойлашган манзилларига бориб бевосита танишишлари мумкин.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида ва вақтларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **1 (бир) кун** аввал соат **17-00да** тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, савдо объекти бошланғич нархнинг камида **10 фоизи** миқдоридаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро варақаси рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, Савдо ташкилотчиси – "YASMIN GOLD AUTO" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Амалиёт бўлимидаги ФА: 00974; СТИР: 303959694; 2020 8000 1006 2032 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар Савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— белгиланган тартибда расмийлаштирилган буюртманома;

— юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ва устав нусхаси, жисмоний шахслар учун – паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси. Агарда улар ўрнига савдода ваколатли вакил қатнашса, ушбу ҳужжатларга қўшимча равишда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси. Ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча тўлов олинади.

Аукцион савдоси ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб **5 (беш) банк иш куни** муддатида, савдо объекти учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдолари 2016 йил 19 сентябрь куни соат 11-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толимаржон кўчаси, 2-уй манзилда бўлиб ўтади.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (97) 709-93-40; электрон почта: yasminauto@mail.ru.

Гувоҳнома №008311

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Яшнобод туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ФИБ Миробод туманлараро судининг 15.03.2016 йилдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан, "Saidmurod Otayor Qurilish Montaj Servis" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Дўстлик ҚФЙ ҳудудида жойлашган умумий майдони 519,82 кв.м. бўлган 1 қаватли ғишт ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси – 648 776 000 сўм.**

2. ФИБ Миробод туманлараро судининг 15.03.2016 йилдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 215,72 кв.м. бўлган 1 қаватли уй. **Бошланғич баҳоси – 340 000 000 сўм.**

3. ФИБ Миробод туманлараро судининг 15.03.2016 йилдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 255,45 кв.м. бўлган 2 қаватли уй. **Бошланғич баҳоси – 312 500 000 сўм.**

II. Аукцион савдосига Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 27.03.2012 йилдаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хонаси, ҳожатхона, ювиниш хонаси, дарвозадан иборат уй-жой. **Бошланғич баҳоси – 152 981 991 сўм.**

2. ФИБ Миробод туманлараро судининг 17.03.2016 йилдаги 1-1683/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 59-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 110 кв.м. бўлган, Фан техника маркази биносининг ертўла майдони. **Бошланғич баҳоси – 152 000 000 сўм.**

3. ФИБ Миробод туманлараро судининг 29.04.2016 йилдаги 1-1899/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қорасув-2, 6-уй, 57-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 57,64 кв.м., яшаш майдони 25,73 кв.м. бўлган кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги 2 хонали хонадон. **Бошланғич баҳоси – 218 750 000 сўм.**

4. ЖИБ Юнусобод туман судининг 19.02.2013 йилдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уй манзилида жойлашган, умумий 283 кв.м. ер майдонида қурилган, фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 та яшаш хонасидан иборат уй-жой. **Бошланғич баҳоси – 63 144 000 сўм.**

5. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 17.11.2011 йилдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уй манзилидаги 5 қаватли уй-жойнинг подвалида жойлашган, 20 кв.м.дан иборат 24-сонли автомобиль қўйиш жойи. **Бошланғич баҳоси – 27 662 550 сўм.**

6. Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 22.03.2014 йилдаги 1-о/х-228-14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-Б уй манзилидаги, умумий майдони 73 кв.м. ер майдонига эга 43 ва 45-сонли автомобиль тўхташ жойи. **Бошланғич баҳоси – 59 164 856 сўм.**

Аукцион савдолари 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo`li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Respublika mulk markazi" АЖ ўз акциясининг бозор баҳосини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилотларнинг таклифларини ўрганмоқда. Баҳолаш хизматини кўрсатиш истагидаги махсус лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар ўз таклифларини хизмат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда 2016 йил 20 августга қадар қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^-уй. Телефон/факс: 228-80-32, 227-90-23. Эл.почта: akmalaxmedov@inbox.uz

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **17 август** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5223
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.40
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ